

МУОМАЛА МАДАНИЯТИНИ ИФОДОЛОВЧИ ЛЕКСИК ВА ГРАММАТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ



Зилола ЮНУСОВА

Иккинчи инглиз факультети

Инглиз тили стилистика кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

zilola27.78@mail.ru

Аннотация

Мақолада муомала маданиятини ривожлантиришда юзага келадиган лексик ва грамматик минимумларни саралаш масалалари кўриб чиқилган. Нутқ этикетининг вариатив қолипларини ифода этишда инглиз ва ўзбек тилларини қиёслаганда бир-бири билан ўхшаш ва фарқ қиладиган тил бирликларнинг хусусиятлари акс эттирилган.

Аннотация

В статье рассматриваются проблемы отбора лексического и грамматического минимумов в культуре речи английского и узбекского языков. Изучены различия и сходства особенностей языковых единиц речевого этикета, которые используются в выражении вариативных формул речевого этикета.

Abstract

The article considers some problems of selection of lexical and grammatical minimums in developing cultural communication and their peculiarities with the Uzbek language. Differences and similarities of peculiarities of speech etiquette used in expressing variativ forms were analyzed.

Калит сўзлар: муомала маданияти, лексик минимум, грамматик минимум, қолип, нутқ этикети.

Ключевые слова: культура речи, лексический минимум, грамматический минимум, формула, речевой этикет.

Keywords: cultural communication, lexic minimum, grammatic minimum, formula, speech etiquette.

Инсоннинг муомала маданияти унинг хатти-ҳаракати, маънавий қиёфаси, ташқи кўринишида намоён бўлади. Сўзловчи нутқ жараёнида зарурий лексик бирликлар ва грамматик шаклларни қўллай олиши ҳар қандай расмий ҳамкорлик ёки суҳбатнинг муваффақиятини таъминлайди. Шундай экан, муомала маданиятини такомиллаштириш қонуниятлари ҳозирги даврдаги энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Тил

ўргатиладиган олий ўқув юртлари талабаларида лексик ва грамматик минимумларни саралаш кўникмаларини шакллантириш келажакда мактаб, лицей ва коллежларда дарс бериш учун тайёрланаётган бўлажак мутахассисларнинг тил ҳақида билимларни чуқурроқ ўзлаштиришларида ишончли омил бўлади.

Рус тилшуноси М.М. Фалькович “лексик минимумни саралашда фаол сўзлар ва уларнинг мавзуга мослигини, луғатларнинг курс бўйича тақсимланишида эса сўзларнинг бирикиши, услубий критерий, грамматикага тобе бўлиши; грамматик минимумни саралашда уларнинг фаол кўлланиши, услубий нейтраллик, намунавийлик, синонимлар ишлатилмаслиги, лексикани ҳисобга олиниши керак” каби деярли бир хил масалаларни илгари суради(1, 90).

Бу фикрга бошқа бир тилшунос М.О. Фаёнова қўшимча қилиб: “Чет тили чуқур ўргатиладиган олий ўқув юртларда лексик ва грамматик минимумларга нейтрал тил материалдан ташқари биринчи курсдан бошлаб норасмий ва расмий услубга алоқадор бўлган стилистик услубий бўёқли воситалар ҳам киритилиши лозим. Шунини ҳам қўшимча қилган ҳолда айтиш керакки, услубий бўёққа эга бўлган воситаларнинг маълум миқдори саралаб олиниши мақсадга мувофиқдир” деб эътироф этади(2, 91).

Мақолада фонетик, лексик, грамматик минимумлар ҳамда нутқ этикетининг вариатив қолипларини ифода этишда инглиз ва ўзбек тилларини қиёслаганда бир-бири билан ўхшаш ва фарқ қиладиган тил бирикларининг хусусиятларини ўрганишга эътиборимизни қаратмоқчимиз.

Инглиз ва ўзбек тилларида ҳурмат маъносини ифодаловчи сўзлар баъзи томонлари билан бир-бирига ўхшайди, аммо нозик услубий хусусиятлари билан фарқ қилувчи ҳолатлари ҳам мавжуд. Ўзбек менталитетида одатда нотаниш шахсларга мурожаат қилинганда *ака, она, хола, отахон, амаки* каби сўзлардан фойдаланиш кенг тарқалган. Инглизларда *miss, sir, madam* каби сўзлардан фойдаланиб ўзига хос ҳурмат маъноси ифодаланади. “Webster’s New World Dictionary” луғатида юқорида айтиб ўтилган сўзларга қўйидагича изоҳ беради. *Sir* – a man of rank, lord, or a respectful term of address used to a man, not followed by the given name (3, 550); *miss* – a title used in speaking to an unmarried woman or girl but used without name (3, 378); *madam* – a woman lady, a polite term of address (3, 353).

Бу сўзлар билан мурожаат қилинаётганда исми кўшилмай якка ҳолда ишлатилади. *Sir* сўзи эркакларга нисбатан ишлатиладиган мурожаатдир. Бунда асосан балоғатга етган эркакларга қаратилади. Бундай мурожаат сўзи

суҳбатдошининг ёши, мансаби, жамоадаги мавқеи тенг ёки каттароқ эркакларга ишлатилади. Ўзбек тилида ҳозирги кунларда дўконларда, жамоа транспортларида, кўчаларда ҳурмат юзасидан ёши улуғларга *отахон*, ўрта ёшдагиларга *амаки* ва *ака* ёшларга эса *ука*, *ўғлим* каби мурожаат сўзлари дан фойдаланилади. Масалан:

– *Can I help you, sir; – addressed the shop keeper to Thane (J. Oke).*

– **Отахон**, сизнинг гапингизни ҳеч қайтара олмаяпман,
(*Х. Тўхтабоев*).

– *Бўлмайдими, ука, – деб қўйдими (Х. Тўхтабоев).*

– *Нега бўлмас экан? Изласанг, албатта, топасан ўғлим. – деди (Х. Тўхтабоев).*

Инглизларда *miss* мурожаат сўзи вояга етган, турмушга чиқмаган қизларга ҳурмат маъносини билдирадиган сўз ҳисобланади. Ўзбекларда эса *синглим* сўзи билан нотаниш қизларга мурожаат қилинади. Масалан:

– *What can I do for you, miss? – he inquired surveying her curiously (Th. Drieser).*

– **Синглим**, нега хафасиз?

Лекин охириги пайтлари инглизларда бундай мурожаат шакли хизматчи қизларга қаратилиб қўлланилганда камситиш маъносида ишлатилиши одатий ҳол бўлиб қолмоқда.

Инглизларда *madam* мурожаат сўзидан турмушга чиққан аёлларга ҳурмат юзасидан фойдаланишади, ўзбек тили билан қиёслаганда эса ёши катталарга *хола*, *опоқи*, ёши ўрта ва ёшроқларга *келинойи* каби оммабоп сўзлар қўлланилади.

– *Well, madam, – he said, recognizing the couple (Th. Drieser).*

– **Хола**, сизир неча пул? (*Н. Раҳмат*)

Умумий мурожаатлар инглиз тилида асосан мажҳул нисбат (*Passive Voice*)да ифодаланади. Масалан: ***Pedestrians are kindly requested to abide by the rules!*** – *Ҳурматли йўловчилар, кўча қоидаларига риоя қилинглар!* Юқоридаги мисолда айнан ***kindly*** сўзи мурожаат қилинувчиларга қаратилиб, ҳурмат маъноси ифодаланган. Бундай ҳолатда эса ўзбек тилида *илтимос* сўзи қўшилиб, шахси умумлашган гаплар ишлатилиши билан инглиз тилидан қисман фарқланади.

Шуни таъкидлашимиз жоизки, муомала маданиятида нутқ вазиятига ҳам эътиборни қаратиш лозим. “Маълум бир шароит ва ҳолатда мулоқот иштирокчилари орасидаги таъсирли нутқни вужудга келтиришга нутқий вазият деб тушунилади. Мулоқот жараёнида сўзловчи нутқ вазиятининг хусусиятини таҳлил қила олиши керак”(5, 12). Шу фикрни изоҳлашга

этиборимизни қаратсак: Сўзловчи мулоқотни фикрлаётганда расмий услуб билан норасмий услубни фарқлабгина қолмай, балки расмий услубдаги гапларнинг сўзлари ўзгаришини ҳам ўрганиш лозим. Масалан: Ўзбек тилида саломлашиш бирикмалари ҳар қандай ҳолатда “*Ассалому алайкум*” ундов сўзи, кичик каттага, мезбон меҳмонга, мурожаат қилувчи суҳбатдошига, паст лавозимдаги ходим мансабдор шахсга биринчи бўлиб салом бериши хурматни ифодалайди. Инглиз тилида эса расмий ҳолатда саломлашиш нутқ одоби асосан вақтнинг назарда тутилиши билан чегараланган. Масалан: ***Good morning, good afternoon, good evening!*** – *Хайрли тонг, хайрли кун, хайрли кеч!* Ёки, “***How do you do!***” каби иборалар ишлатилади.

– ***How do you do, Mr. Forsyte? Come down to see for yourself***
(*J. Galsworthy*).

– ***Good morning,*** – *said Soames looking neither to right nor left*
(*J. Galsworthy*).

Меҳмонларни ёки мансабдор шахсларни кутиб олганда куйидагича саломлашиш ифодалари расмий услубда ишлатилиб, ўзбек тили билан солиштирилганда бир хил маънога эга бўлади. Масалан: ***Allow me to welcome! You are welcome! I'm happy (glad) to welcome (greet) you!*** кабилар.

– ***I'm very glad to meet you,*** – *he said to Mrs Vana (Th. Dreiser).*

– ***My dear Joylon, It will be happiness for me to see you Irene***
(*J. Galsworthy*).

– ***Happy to see you!*** (*Th. Dreiser*)

– ***Келинлар, меҳмонлар, хуш келибсизлар,*** – *овози эшитилди*
(*О. Ёқубов*).

Бундай турдаги саломлашиш икки тил орасида кескин фарқланади. Аммо, ҳозирги кунда *хайрли тонг, хайрли кун, хайрли кеч* каби инглиз тилидан қисман фарқ қиладиган бирикмалар ўзбек тилига кириб келиши ижобий ҳодиса деб қаралмоқда. Инглиз тилида саломлашиш ҳам стилистик маънога эга. Масалан, одатда яқин шахслар саломлашиши билан юқори лавозимга эга бўлган шахсларга қаратилиб бериладиган салом бир оз фарқланади. Масалан: *Салом! – Hi! Қалайсан! – Hello! Ҳаммага салом! – Hello everybody!* (энг яқин одамларга нисбатан).

Муомаланинг экстралингвистик шартларини ҳисобга олган ҳолда ўхшашроқ вариантни танлаш учун инглиз тили ўрганувчиси нутқ этикетининг ҳар бир тематик гуруҳга асосланган ҳолда бир қатор қолипларини ўзлаштирган бўлиши шарт. Масалан *Илтимос гуруҳида Will (Would) you..., please?; Please...; Could you...? Would you kindly...?; I would appreciate it if...; I would be very grateful if...*) ёки ташаккур билдириш

гуруҳида *Thank you, thanks, Yes please, I'm grateful... I can never thank you enough, I don't know how to thank you enough...* (5, 45).

Бизнинг фикримизча, ўзлаштириш учун тегишли бўлган деярли барча тил ва нутқ воситалари алоҳида парадигма бўлаклари сифатида яққол кўришиб туриши лозим ва ҳар бири ичида бир-бирига муқобил бўлган вариантларни намоён этиши шарт. Айтилганидек, муомала маданиятини ўқитиш жараёнида ўрганувчиларга тил воситаларини ўргатишда лексик ва грамматик воситаларни методик саралашни, нутқ этикетининг қолипларини, ҳамда шароитга мослашган ҳолда нутқ вазиятларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик самарали натижа беради. Шу билан бирга, тил олий ўқув юртларидан ташқари чет тилини чуқурлаштириб ўргатиладиган ўқув муассасаларида ҳам мана шу сараланган лексик ва грамматик минимумларни тенг равишда қўллаш мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик ва грамматик воситаларни таҳлил қилиш натижасида тилдаги ўзгариш ва тараққиётни кузатиб ўрганиш долзарб вазифа эканлиги англашилди. Нутқ маданияти тилимизни ривожлантириш, сўзларни тўғри қўллаш, гапларни хатосиз тузишда катта аҳамиятга эга. Сўз бойлигимиздан моҳирона фойдаланиш эса ҳар бир кишининг ўзига боғлиқдир. Бунинг учун кўп ўқиш, ўрганиш зарур. Бу билан ўрганувчининг нафақат луғат бойлиги, балки ижодий тасаввури кенгаяди. Нутқий малакага эга бўлган ҳолда ўз фикрини тўғри ифодалашга туртки бўлади. Нутқ маданиятини ривожлантириш масалалари ҳозирги замон тилшунослигида ўз ечимини кутаётган лисоний масалаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фалькович М.М. Лексический минимум по английскому языку (для языковых вузов). – М.: Высшая школа, 1972. – 320 с.
2. Фаенова М.О. Обучение культуре общения на английском языке. – М., 1991. – 144 с.
3. Webster's New World Dictionary. – New York, 2006. – 3474 p.
4. Формановская Н.И. Речевой этикет(справочник). – М., 1990. – 80 с.
5. Анисимова Т.В., Гимпельсон Е.Г. Современная деловая риторика. – М.: Воронеж, 2004. – 432с.
6. Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. – Т., 1989. – 321б.
7. Ёқубов О. Музқаймоқ // Йўлдошев Қ. ва бошқалар. Адабиёт. 6-синф учун (дарслик-мажмуа). – Тошкент, 2003. – 675 б.
8. Dreiser Th. Sister Carry. – М., 1968. – 593 p.
9. Galsworthy J. The Forsyte Saga, – М. 1974. – 227 p.
10. Oke J. Roses to Mama. – Minnesota, 1991. – 222 p.